

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОЖИКЛАРНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

(Қашқадарё воҳаси мисолида)

Ф.Ғ.Турсунов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: тоғли ва дашт тожиклари, тожик миллати, Мирмирон, ҳардури тожиклари, хўжа, Хўжаки, чағатойлар, аргунлар, кийикчи, моjarлар, балужлар.

Ключевые слова: горные и степные таджики, таджикский народ, Мирмирон, таджики-хардури, ходжа, ходжаки, чагатай, аргун, олень, моджары, белудж.

Key words: mountain and steppe Tajiks, Tajik nation, Mirmiron, Harduri Tajiks, Khoja, Khojaki, Chagatai, Arghun, deer, Mojar, Baluch.

Кириш. Қашқадарё тожикларини яшаш ҳудудига кўра икки гуруҳга: текисликларда ва тоғли ҳудудларда истиқомат қилувчи тожикларга бўлиш мумкин. Маҳаллий аҳоли уларни *тоғли ва дашт тожиклари* деб юритади. Текисликларда яшовчи тожиклар бир неча шеваларда ва тилларда сўзлаша олади.

Асосий бўлим. Тоғли ҳудудларда яшовчи тожикларнинг ташқи кўриниши текисликларда яшовчи тожикларнинг кўринишидан фарқ қилади. Бироқ, текисликларнинг айрим қишлоқларида яшовчи тожиклар кўриниши ва шеваси билан фарқ қилади. Масалан, Касби туманидаги Қамаш қишлоғида истиқомат қилувчи Хўжаки маҳалласи тожикларининг ташқи кўриниши ва шеваси Мушқоқи маҳалласида яшовчи тожиклардан фарқ қилади. Бир қишлоқда истиқомат қилишларига қарамадан уларнинг ташқи кўриниши ва шеваларида тафовут бор. Бу ҳолатни бошқа қишлоқларда истиқомат қилувчи тожикларда ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон тожикларини тил хусусиятларига кўра шартли равишда икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси, форс тили шеваларида сўзловчи аҳоли, иккинчиси эса қадимги халқларнинг авлодлари сифатида эронийзабон тилда сўзлашувчи тожиклар. Ўзбек ва тожик тилларидаги сўзлар таркибида сўғд тили қолдиқларини учратиш мумкин. Масалан, ўзбек ва тожик миллати кўп қўллайдиган “бозор-ўчор қилиб келдим” сўзи таркибидаги “ўчор” сўзи “бозор” маъносини билдиради. Ўзбекистон текисликларида минг йиллардан буён маданий жиҳатдан хилма-хил турли гуруҳлар ўрасида аралашув юз берган. Ўзбекистондаги ўзбек ва тожик миллатлари тилига кўра фарқ қилсаларда менталитетига кўра бир-бирига яқин. Қашқадарёдаги тожиклар бир этник гуруҳ сифатида эътироф этилса ҳам уларнинг келиб чиқишини қуйидагича турли гуруҳларга бўлиб ўрганиш лозим.

Ҳардури тожиклари. Бухоронинг маркази ва Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Деҳқонобод туманларида ҳардури тожиклари яшайди. Уларнинг шеваси М.Эшнӣёзов [10:222] томонидан тадқиқ қилинган. Ҳардури тожиклари Тожикистоннинг айрим туманларида ва Сурхондарё вилоятида Ҳардури Мачайи деб юритилади. Кўпинча *ҳардури* ҳақида фикр борганда, “Ҳар жойдан келиб қолган”, турли этник гуруҳларнинг бирлашган шакли тушунилади. Қашқадарёдаги аксарият тожиклар жой номи билан аталади. Масалан, Китоб тожиклари, Косон тожиклари, Касби тожиклари каби. Бироқ, ҳардури тожиклари ва чағатойлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу икки этник гуруҳ келиб чиқиши жой номига боғлиқ бўлмаган мураккаб тузилишга эга. Бироқ тожиклар

шеваси ва урф-одат ва маросимларига кўра ажралиб туради.

Хўжалар. Асосан хўжалар номи билан (баъзан сайидлар ҳам хўжалар деб) аталади. Айрим ҳолларда сайидларга алоқадор этник гуруҳ сифатида кўрсатилади. Қашқадарё вилоятининг Касби ва Қамаш туманларида хўжа номи билан боғлиқ жой номлари мавжуд. Кўпчилик хўжаларни арабларнинг кириб келиши билан боғлайди. Бироқ, хўжа форс-тожик тилидаги “*хожа*” яъни “*бошлиқ*” маъносида ҳам қўлланилади. Хўжалар *чағатойлар* каби ўзбек тили билан бирга тожик тилида ҳам сўзлашади. Хўжа номи билан боғлиқ жой номлари Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд.

Бу ердаги тоғлар Чотқол деб аталиб, Тошкентдан тахминан ўттиз мил узокликда ҳамда ғўзал манзарали кўриниш касб этган ажойиб қишлоқлар жойлашган. Америкалик дипломат Южин Скайлернинг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Ўрта Осиёга саёҳати баён қилинган “Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат кайдлари” асарида “у ерда тожиклар истиқомат қилиб, асосан Чотқолнинг юқори қисмидаги водийда яшади. Бу ерда дарё тубидаги улкан тошларга маҳкамлаб қўйилган жунгина кўприклари бор мафтункор кичик Хўжакент шаҳарчаси жойлашган” [11:75] – деб қайд этган.

Касби тумани Қамаш қишлоғидаги нуронийларнинг таъкидлашича, улар яшаган *Хўжаки* маҳалласининг номи дастлаб *Хўжакент* бўлган. Кўпчилик хўжа сўзини араблар ёки ислом дини билан боғлайди. Бироқ, хўжа сўзи форс-тожик тилида “*хўжайин, жаноб*” маъноларини билдиради. Бундан хулоса қилиш мумкинки бу сўз маҳаллий зодагон табақага нисбатан ҳам қўлланилган. Ўзини хўжалардан деб ҳисобловчи аҳоли қатламини ўзбек ва тожик тилларида бир хилда сўзлашиш ҳолатларини кузатдик. Тожик тилли хўжалар Қамаш туманидаги Лангар қишлоғида, Касби туманидаги Қамаш қишлоғида, Бухро йўлидаги Хўжамуборак қишлоғида яшайди. Қашқадарё кўнғиротларининг хўжа деб номланган тармоғи ҳам бор.

Хўжалар яшайдиган жой маъносида айрим манзиллар номларининг шаклланишида ҳам рол ўйнаган. Масалан, Қарши туманида Мирмирон шаҳарчаси ҳам бор. Мирмирон сўзидаги *мир* сўзига қўшимча *он* қўпик қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган. *Мира* [9:843] сўзи тожик тилидан таржима қилинганда *хўжа, соҳиб* маъноларини ифодалайди. *Мира* сўзига *-он* қўпик қўшимчаси қўшилган: *мира+он* —» *мираон* —» *мирон* - хўжалар аждодига мансуб. *Мир+мирон* - хўжалар аждодига мансуб бек (лар шаҳарчаси) [5:168].

Хўжа - Қамаш туманидаги қишлоқ- Хўжаарик, Хўжақишлоқ, Хўжаобод каби Хўжа сўзли қишлоқ ва қадамжолар номлари анчагина.

Хўжа сўзи қишлоқ номларида ҳамиша бош сўз сифатида учрайди. Бу тур номларда Хўжа сўзи икки хил маъно ва вазифада: Касби, Муборак, Қарлуқ, Душанбе, Жарроҳ/Жаҳроҳ каби аввалдан тайёр қишлоқ номларига қўшилиб, *Хўжа*+атокли от (жой номи) қолипида қишлоқ номлари ясалган: Хўжакасби, Хўжамуборак, Хўжақарлуқ, Хўжадушанбе, Хўжа жарроҳ каби; - Хўжа сўзи ариқ, обод, қишлоқ, гулзор, кўрғон, кудуқ, банд каби номланувчи объект турини билдирувчи сўзлар билан бирикиб, Хўжаларга мансуб объект маъноси англатадиган жой номлари ясалган: Хўжаарик - Хўжаларнинг ариғи, Хўжаобод - Хўжалар томонидан янги ерда бунёд қилинган қишлоқ Хўжагузар – Хўжалар яшаётган гузар (кўча), Хўжақўрғон - Хўжалар томонидан қурилган кўрғон, Хўжакудуқ - Хўжалар томонидан қазилиб, сув чиқарилган кудуқ, Хўжабанд - Хўжалар томонидан қилинган ариқ банди. Хўжа сўзи эроний тилларга мансуб. Форс тилидаги дастлабки маъноси - Хўжайин, соҳиб, эга. Хўжа - қавм, этник бирлик номи эмас, ўтмишда Шарқ халқлари ўртасида ижтимоий табақа, унвон, кенг маънода ўтмишда ҳукмрон табақа Хўжа (лар) аталган [5:9]. Ҳозирги кунда айрим ҳолатларда аҳолининг қорача қатлами сайидлар ёки хўжаларни улуғлаб “хўжам”, “тўрам” деб мурожаат қилиш ҳолатлари учрайди.

Ўрта асрларга оид манбалардаги исмларга *хожа* сўзи ҳам қўшиб қўлланилган. Жўйбор хожаларининг ҳаёт тарзи ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин” [1:93-94] асарида Нақшбандия тариқатининг вакиллари ҳақида хикоя қилинади. Шунингдек, асарда Ҳазрати Эшони калон сўзига кўп урғу берилади. Ҳазрати Эшони калон деганда муаллиф катта бобосини назарда тутаяди, “калон” сўзи тожикчадан таржима қилинганда, *катта* маъносини билдиради. Шу билан бирга асарда айрим тариқат вакиллариининг исмига Калонхожа номи қўшиб ишлатилган.

Ҳардури тожиклари, хўжалар ва чағатойилар этнографик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган.

Чағатойилар. Б.Х.Кармышеванинг “тожик ва ўзбекзабонларнинг шаклланиш йўллари чағатойилар, шунингдек, тожиклар ва хўжа ўзбекларининг ўзига хос табақа-этник гуруҳининг шаклланиши жараёни бирлашган эди, шунинг учун мен барча чағатойларни, шунингдек, барча хўжаларни биргаликда кўриб чиқиш керак деб ҳисоблайман” [4:123] – деб таъкидлайди. Қашқадарёнинг Китоё, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида *Чигатой* деб номланган қишлоқлар бор. Яккабоғ туманидаги қишлоқни *Чағатой* деб ҳам аташади. “Бобурнома”да Чигатой номи бир неча маротаба келтирилади. Бир ўринда “Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой наслидандир” – деб ёзилса, бошқа ҳолатда “Мирзохон томонига ўтган сипоҳий ва эл, мўғул ва чигатой ваҳимада, ҳам нотинч эдилар” деб таъкидлайди [3:34]. Яна бир манбада келтирилишича, - “Қурдлар қадимий уруғ бўлиб, улардан ҳокимлар (маликлар, “шоҳлар”) келиб чиққан, улар 1253 йилда мўғулларга хизмат қилган, ўз макеларини сақлаб қолган ва барча инкирозларни жуда

моҳирлик билан енгиб ўтишга муваффақ бўлишган. Абу Саид вафотидан тўрт йил ўтиб, 1340 йилда уларнинг шахзодаси Муизз ад-дин Пир Хусайн (1332-1370) ўзини султон деб эълон қилишга журъат этганида, бу Чағатойларнинг (тожик – Султон!) ғазабини ва кескин муносабатини келтириб чиқарди. Пир Хусайн эса уларнинг устунлигини тан олишга мажбур бўлди”.

Ҳазоннинг мўғул қабилалари бошлиқларига йўллаган баёноти маълум: “Сиз мендан тожикларни талон-тарож қилишга рухсат беришимни хоҳлайсиз. Аммо букаларни ўлдириб, экинларни йўқ қилганингиздан кейин нима қиласиз? Агар сиз менинг олдимга келиб, нимага яшаш кераклигини сўрасангиз, сизни қаттиқ жазолайман”. Чағатой хонлигида бундай қатъият камдан-кам бўлган ва қўшинлар баъзан шаҳарларга ҳужум қилган. Кебек (1320-1326) бу амалиётни тўхтатишни орзу қилган [8:282-283]. Мўғулларнинг маҳаллий ноиблари ҳам тожиклар билан келишув сиёсатини юритганлар.

XV-XVI-асрларда Мовароуннахрнинг ҳам туркий тилли, ҳам форсий тилли аҳолиси чағатойлар деб аталган. Шу боис Қашқа-Сурхон воҳасида ўзбек чағатой, тожик чағатой атамаси пайдо бўлган. Ўзбекистоннинг қадимий ўтроқ қарлуқ лаҳжасида сўзловчи аҳолиси, кўпинча тоғли туманларда яшовчи халқини *чигатой/чағатой* дейиш илмий ва амалий урфга айланган.

Илмий манбаларда ўзбек тилининг XIV-XVI асрлар таракқиёти даврини ва бу даврда амалда бўлган адабий тилни *чигатой тили* дейишади. Қишлоқлар номи қадимий, ўзбек тилли аҳолининг этник мансублиги асосида юзага келган [5: 307-308].

Арғунлар. Ўзбек халқи этник таркибида арғунлар ўз ўрнини топган. Сирдарёнинг ўнг қирғоқ қуйи ҳавзаларида яшовчи арғунларнинг айрим гуруҳлари VIII-XII асрлар давомида Тошкент воҳасига, Фарғона водийсининг Ўзган атрофларига, Зарафшон воҳаси ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, уларнинг катта қисми ўтроқлашиб кетадилар. Уларнинг бир гуруҳи XI асрда Хуросон ҳудудларига бориб ўрнашадилар. XIV-XV асрларда арғунларнинг асосий қисми Фарғона водийсида, Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистонда яшаганлар. Улар борган жойларининг тил муҳитига кўра, ё маҳаллий аҳолини турклашишига ёрдам берган ёки улар таъсирида ўз этник номларини унутмаган ҳолда форсий тилли тожикларга айланган [2:468].

Кийикчилар. Кийикчиларни ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи уруғ сифатида қайд этиш лозим. Кийикчи - Касби туманидаги қишлоқ. Атрофидагилар Кийикчиовул, Овулкийикчи ҳам дейишган. Таркиби: *кийик* + *чи*. Кийик (оҳу) - уруғнинг топинган ҳайвони, тотем, -*чи* қушимчаси ҳослик, мансубликни билдирган: кийикчи - кийикни мукаддас ҳайвон билиб, унга топинувчилар, ана шу гуруҳ аҳолисининг уруғи ҳам кийикчи деб аталган. Аҳолисининг этник таркиби асосида қишлоқ номини олган. Қашқа-Сурхон воҳасининг этнологи Б.Х.Кармишева кийикчилар манғитларнинг уруғи деб ҳисоблаган. Кийикчилар ўзларини манғитларга тегишли деб қарамайди. Ўтмишда кийикчилар Хоразмда, Зарафшонда

яшаганлиги маълум. Тожикистон Республикаси жанубидаги кесамирларнинг таркибида кийикчи уруғи бўлган [5:145; 4:103]. Тожиқларда ҳайвонлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар кенг тарқалган.

Тожиқлар, сут мўл бўлади, деб уйларининг деворларида эчкини тасвирлаган [6:528]. Ривоятларга кўра бир эчки Кўхна Фазлидан томга чиқиб, Ширкентга бориб тушган экан. Бу ривоятдан Баздадан Қаршигача бинолар зич жойлашган деган хулосага келиш мумкин.

1924 йилда собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида яшовчи 20 мингга яқин киши ўз элатини у ёки бу ўзбек уруғи билан атаган. Тожиқлар орасида 63 535 киши ўзини чигатойлар деб ҳисоблаган. Уларнинг ўзбек ёки тожик масаласи эканлиги очик қолган эди. И.П.Магидович уларни турк-мўғул элементлари сингиган тожиқлар деб ҳисоблаган [7:231]. П.П.Введенский эса тожиқлар ва умуман ўтроқ аҳоли учун уруғларга бўлиниш хос эмаслиги ва ҳудудий-локал гуруҳларга бўлиниш хусусиятларига асосланиб, у барча гуруҳлар тожиқлар эмас, балки тожик тилида гапирувчи ва тожиқлар орасида яшовчи элатлардир деган хулосага келади [12:13].

XIX-XX асрларда Қашқадарё воҳаси Бухоро амирлиги таркибида бўлиб, бу ерда туркий тилли аҳоли билан бирга тожиқлар ҳам яшаган. Ўзбек ва тожик миллатлари умумий этник асосда шаклланиган.

Можарлар. Можар деган жой номи Қашқадарё вилоятида ҳам бор. Фикримизча, жой номи уруғ номидан келиб чиққан. Венгерларнинг аجدоди бўлиб ҳисобланган *можар* уруғини Ўзбекистоннинг жанубида ҳам учратиш мумкин. Можар тили таркибида тожик тили ва туркий тиллардан кўплаб сўзлар

ўзлаштирилган. Қамаши, Ғузор ва Чирокчи туманларида Можар номли қишлоқлар бор. Қашқадарё саройларининг бир тармоғи *можарсарой* деб ҳам аталади.

Бизга маълумки Венгрия ҳудудида қадимда скифлар ва кельтлар яшаган. Кельтлар ҳинд-европа қабилалари ҳисобланади. Можарлар тилда ўзлаштирилган эроний сўзлар уларнинг скифлар ва кельтлар билан бирга яшаганлигидан далолат беради.

Балужлар. Касби туманидаги Булуч қишлоғининг келиб чиқиши балужлар номи билан боғлиқ. Покистон, Эрон, Афғонистон ва Туркменистонда ҳам истиқомат қилишади. Улар ўзларини балоч ёки балуч деб аташади. Балужларнинг тили форс ёки пушту тилларидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг этник келиб чиқиши фарқланади. Курд ва балужи ғарбий эроний тилларга хос бироқ, балужи тили аҳолининг кўчиши натижасида шарқий эроний тилларга яқинлашди. Фикримизча, балужлар Қашқадарёга 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг юришлари даврида кириб келган.

Хулоса. Ўзбекистон бир неча миллатлар, жумладан тожик миллатининг этник тарихи шаклланиб раванк топган ва асрлар давомида хилма-хил этномаданий қадриятлар эъзозланаётган диёр. Сон жиҳатдан ўзбеклардан кейинги ўринда турувчи тожик этник гуруҳининг этник келиб чиқиши ва этномаданияти Қашқадарё воҳаси мисолида ўрганилмаган. Асрлар давомида менталитети жиҳатидан ўзбек халқи билан яқин бўлган маданий жиҳатдан ривожланган тожик этник гуруҳи шаклланди. Қашқадарё воҳаси билан боғлиқ моддий ва маънавий манбаларни ўрганиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тождидин Хасанхожа ал-Хусайний ас-Сиддикий Матлаб ут-толибин. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райхон Беруний номи Шарқ қўлёзмалари маркази. – Тошкент: «Movarounnahr», 2016.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015.
3. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Ўзбек халқиниш шаклланиш жараёни. – Тошкент: «O‘qituvchi» НМИУ, 2008.
4. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1976.
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи. – Тошкент: «Муҳаррир», 2009.
6. Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. Монография. – Тошкент: Юнеско, ЖИДУ.
7. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. I. – Бухара. Ташкент: 1926.
8. Ру Жан-Поль. История Ирана и иранцев. От истоков до наших дней / Пер. с франц. Некрасов М. Ю. – Санкт-Петербург: «Евразия», 2015.
9. Фарҳанги тафсирии забони тожикӣ. Чилди 1. Пажӯхишгоҳи забон ва адабиёти Рӯдакӣ, 2010.
10. Эшнӣёзов М. Шеваи хардури. – Душанбе: «Ирфон», 1967.
11. Южин Скайлер. Туркистон: Россия Туркистони, Қўкон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат кайдлари. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ.
12. Қайюмов А. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида этник ҳолат. Масъул муҳар. А.А.Аширов – Тошкент: «Adabiyot uchqunlari», 2015.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасидаги тожиқларнинг этник тақибига кирувчи ёки унга алоқадор бўлган хардури тожиқлари, хўжалар, чағатойилар, аргунлар, кийикчилар, можарлар ва балужлар каби этник гуруҳларнинг келиб чиқиши ва этномаданий жараёнлардаги ўрни ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются происхождение и роль таких этнических групп, как таджики-хардури, ходжи, чагатайцы, аргунцы, дермены, моджары и белуджи, которые являются участниками этнических преследований таджиков в Кашкадарьинском оазисе, и их место в этнокультурных процессах. выделены.

SUMMARY. In this article, the origin and the role of ethnic groups such as Harduri Tajiks, Khojas, Chagatai, Arghuns, Deermen, Mojars and Baluchs, belonging to the ethnic composition of the Tajiks in the Kashkadarya oasis, and in their place ethnocultural processes are highlighted.